БОҒ ВА УЗУМЗОРЛАРДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Худайев Исмайил Жумақулович
“ТИҚХММИ” МТУ Бух ТРБИ техника фанлари доктори, профессор.
Тожиев Шерзод Мирзохид ўғли
“ТИҚХММИ” МТУ Бух ТРБИ Сув тежамкор суғориш технологиялари йўналиши магистранти

Анатация: Мақолада боғ ва узумзорларда ташкил этилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилинган экинларда сув сарфини 20-60 % гача, минерал ўғитларни 50 % гача хамда ёқилғи мойлаш материалларини 30 % гача иқтисод қилишга эришиш мумкинлиги баён этилган. Бундан ташқари, суғориш режими ўсимликнинг сувга бўлган талабига мос бўлади ва ортиқча сув берилмайди, тупроқдан сув кам буғланиши билан бир қаторда сув дала бўйлаб тарқалиб кетмайди, даланинг фақат экин илдизи атрофидаги қисмигина намланади натижада сувни тупроққа шимилиши камлиги учун ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб кетмайди.

Калит сўзлар: сув ресурслари, томчилатиб суғориш, ҳосилдорлик, сув танқислиги, илдиз қатлам.

Сув манбаларидан олинаётган сув ресурсларининг 90 фоизидан ортиқ қисми қишлоқ хўжалигида фойдаланилиб, бу биринчи галда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда ишлатилмоқда [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017-2021йил) Фармони, 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон «2018-2019 йиллар даврида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони «Пахта хомашёсини этиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кэнг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 февралдаги 74-сон «2018 йилда экин майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш ва сув танқислигини салбий оқибатларини олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2022

йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида”ги хамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда қабул қилинди.

Томчилатиб суғориш тизими ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжига тенг миқдордаги сувни зарур муддатда унинг илдиз қатламига етказиб беришга мўлжалланган босимли суғориш тармоғидир.

Томчилатиб суғоришнинг ўзига хослиги шундаки

- илдизлар тўппак бўлиб ўсади;
- ўсимлик илдизини чуқурга юбормайди;
- сув ва ўғитларни етказиб бериш осонлашади;
- ўсимликнинг сув ва ўғитни тупроқдан олиши осонлашади;
- томчилатиб суғоришда дала эмас, етиштирилаётган экин суғорилади;
- даланинг фақат экин илдизи атрофидаги қисмигина намланади;

Натижада эса

- далада бегона ўт кам ўсади;
- бегона ўтга қарши тадбирлар ҳаражатлари камаяди;
- техникани далага кириб чиқиши осонлашади;

Томчилатиб суғориш технология жорий қилинганда экин турларидан олинган ҳосилдорлик

- Пахта - 50-55 ц/га
- Маккажўхори - 120-130 т/га (кўк поя)
- Маккажўхори - 25-32 т/га (дон)
- Помидор - 130-140 т/га (очиқ ерда)
- Помидор - 500 т/га гача (иссиқхонада)
- Узум - 5,0 т/га
- Олма - 60 т/га
- Картошка - 45 т/га эришилади [2].

Томчилатиб суғорилганда бошқа суғориш усулларига нисбатан экин ва тупроқ турига қараб 20 % дан 60 % гача сув тежалади, томчилатиб суғорилганда моддий ресурслар сарфи ва қўл меҳнати камаяди, ўғит сув билан бирга берилганлиги боис, ўғитлаш учун техника ишлатилмайди. Натижада ёнилғи мойлаш материаллари тежалади. [3].

Томчилатиб суғоришнинг экинларга таъсири ва уларнинг ўсиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсир ўтказувчи яна бир қатор афзалликлари яни:

- сув ва озуқа экин майдони бўйича бир текис тақсимланади;
- экин бир хил ривожланади ва ҳосили бир вақтда пишади;
- бир хил эрта пишган ҳосилни йиғиб олиш осонлашади;
- экин даласини ярми қуруқ бўлиши сабзавотлар ҳосилини бемалол териб олишга имкон яратади;

- далада сув оқмаганлиги боис тупроқ эрозияси йўқ;
- сувни тупроққа шимилиши камлиги учун ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб кетмайди;
- тупроқ шўрланмайди;
- кичик дебетли қудуқ ва булоқлар суви билан катта майдонлар суғорилади.

Сув ресурсларига бўлган талабнинг ошиб бориши, кутиладиган сув танқислигини салбий оқибатларини юмшатиш, экин турларидан юқори ҳосил олиш ва озиқ-овқат дастурларини бажариш мақсадида ҳозирги кунга келиб сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни давр тақозо қилмоқда. Айниқса, сув ресурсларисиз қишлоқ хўжалиги ривожлана олмаслигини инобатга олган ҳолда, сувни кам сарфлаган ҳолда деҳқончиликдан юқори ҳосил олиш борасида асрлар давомида изланишлар олиб борилган. Ҳозирги кунга келиб, олимларимиз томонидан кўп йиллардан буён сув ресурсларини тежаш орқали суғоришнинг янги илғор технологияларини яратиш борасида бир қатор изланишлар олиб борилиб, амалиётда қўллаш натижасида юқори натижаларга эришилаётганлигига гувоҳ бўлинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Аму-Бухоро ИТХБ маьлумотлари
2. Ҳамидов М.Ҳ., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси”. Шарқ., Тошкент-2008.
3. Рахимбоев Ф.М., Шукуруллаев Х.И. ва бошқалар. “Қишлоқ хўжалигида суғориш мелиорцияси” Тошкент. “Меҳнат” 1994 й.
4. Капельное орошение, /http://www.drip.agrodepartament.ru.
5. Капельное орошение. /http://www.yug-poliv.ru.